

**ҚОРАТОВ ЛАМПРОФИР ДАЙКАЛАРИНИНГ ПЕТРОГРАФИЯСИ  
(ЖАНУБИЙ НУРОТА)**

**Мўминқулова Ноила Ғайратжон Қизи<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Геология ва муҳандислик геологияси факультети

Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув

разведкаси (кон турлари бўйича) йўналиши

E-mail: [lacotsepolo1999@gmail.com](mailto:lacotsepolo1999@gmail.com)

+99895 088 17 11

**МАҚОЛА  
МА'ЛУМОТИ**

**АННОТАЦИЯ:**

**МАҚОЛА ТАРИХИ:**

Received: 06.01.2025

Revised: 07.01.2025

Accepted: 08.01.2025


**КАЛИТ СЎЗЛАР:**

Тиён-Шон,  
структуравий-  
формация, лампрофир,  
спессартит, керсантит  
дайкалари,  
фенокристал,  
жевачесой свитаси,  
моддий таркиб,  
структуравий ҳолат,  
тоғ жинслари.

Жаҳон илм-фанида кичик интрузиялар, плутоник ва субвулканик дайка ҳосилалари каби хилма-хил геологик тузилмаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади олтин-руда ва нодир металлар-нодир ер элементлари конларини қидириши ва разведка қилиши учун илмий мезонларни ишлаб чиқишидир. Тадқиқот натижалари қатор муҳим масалаларни ҳал қилишга, жумладан, ушбу ҳосилаларнинг магмогенерация манбалари ва фойдали қазилмалар конларини шакллантиришидаги ролини аниқлашга имкон берди.

Бугунги кунда дунёда гипабисал (кичик) интрузиялар ва дайка ҳосилаларини ўрганишга қаратилган махсус тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар дайка комплексларининг формацион бўлинишини, уларнинг эндоген рудаланиш билан генетик боғлиқлигини аниқлашга қаратилган.

**Кириш.** Нурота тоғларининг жанубий тизмасидаги узунлиги тахминан 75 км ва эни 6-7 км бўлган Қоратов тоғлари Жанубий Тиён-Шоннинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Зарафшон-Туркистон структуравий-формацион зонасига киради. Геологик тузилишида кембрий (живачисой свитаси), ордовик (жалатор ва қоракуш свиталари), силур (қоратош свитаси) ва магматик ҳосилалар (Қоратов гранитоидлари ва гранитоидлардан олдинги ва кейинги дайкалар) иштирок этади (1-расм).




1-расм. Қоратов тоғларининг геологик харитаси (Р.С.Хан ва бошқалар бўйича,

2006 йил; мастаб 1:100000) муаллиф қўшимчалари билан.

1 – тўртламчи давр - Q; 2 – суграли свитаси – P; 3 – карнаб свита - K<sub>2</sub>; 4 – қоратош свитаси – S<sub>1</sub>kr; 5 – жалатор свитаси - O<sub>1-2</sub> dz; 6 – қорақуш свитаси - O<sub>1</sub> kk; 7 – живачисой свитаси – E<sub>2-3</sub> zv; 8 – кварцли ўрта ишқорли диорит (Қорамачит танаси); 9 – биотитли гранит (асосий фаза) Қоратов интрузиви; 10 – лейкократли гранит; 11 – гранит-порфирларнинг гантелсимон танаси, Сармич; 12-18 – дайкали ҳосилалар: 12 – диабаз; 13 – кварцли диорит-порфирит; 14 – риолит-порфир (а) ва гранит-порфир (б); 15 – спессартит; 16 – керсантит; 17 – гранит-порфир; 18 – кампто-спессартит; 19 – ер ёриқлари; 20 – олтин намоёнлари.


*Лампрофирлар*, асосан, кампто-спессартитлар, спессартитлар ва керсантитлар каби оҳак-ишқорли (дала шпатли) хиллари билан ифодаланади.

**Кампто-спессартитлар** майда донадор тўқ яшил жинслар бўлиб, асосий массаси фониди роговая обманка фенокристаллари мавжуд. Тоғ жинслари порфир тузилишга эга, плагиоклазлар (40%), керсутит (25-30%), авгит (5-10%), хлорит (10%), кальцит (8%) дан иборат бўлган призматик донадор асосий массасига эга. Аксессуарлар орасида алланит, халькопирит, циркон, сфен ва бошқаларни қайд этиш мумкин, улар микрозонд ёрдамида таҳлил қилинган (2-расм).



**2-расм.** Кампто-спессартит дайкаси (а) ва уларнинг шлифдаги кўринишлари (б, в). Тузилиши лампрофир симон, фенокристалларда авгит ва роговая обманка. Асосий қисми хлоритлашган ва карбонатлашган. катталашган 40. Николи +, //.


**Спессартитлар.** Спессартит дайкалари Ўртасой дарёсининг ўрта оқида Қоратов интрузиясининг шимоли-ғарбий қисмида энг кўп тарқалган бўлиб, у ерда шимоли-шарқий йўналишида кичик дайкали камарини ҳосил қилади. Дайкаларнинг қалинлиги ўзгарувчан 0,4 м дан 3,20 м гача. Микроскоп остида спессартитлар лампрофирли, баъзан трахитоидли структурага эга бўлиб, призматик донадор асосий массасига эга. Спессартитларнинг порфир ажралмалари (тоғ жинсларининг 20% гача) оддий роговая обманка (40-50%), плагиоклаздан (35-55), калийли дала шпатидан, кварцдан (1,5-2% гача) ва биотит варақчаларидан иборат (3-расм).



**3-расм. Спессартит дайкаси Қоратов интрузиви. Ўрта сой.**

**Керсантит дайкалари** биринчи марта Қоратов интрузиясида биотитли гранитлар ичида аниқланди. Бу тик ётувчи тана бўлиб, шимоли-шарққа (35-40<sup>0</sup>) йўналган, қалинлиги 1,5 дан 10 м гача, узунлиги 500 м гача. Керсантит кулранг, яшил кулранг бўлиб, асосий массаси майда донали, порфир ажралмалар плагиоклаз ва биотитнинг 1 см гача ва ундан йирик ўлчамдаги варақчаларидан иборат. Жинсининг асосий массаси плагиоклаз, биотит, карбонат, кварц ва камдан-кам амфиболлардан ташкил топган. Биотит фенокристаллари чеккаси бўйлаб хлорит ривожланган. Аксессуар минераллар апатит, ильменит, сфен, циркон ва пирит билан ифодаланади (4-расм).





**4-расм. Керсантит дайкеси Қоратов интрузиви.**

**Хулоса.** Қоратов интрузивида лампрофир дайкалари интрузивтан кейин ҳосил булган бўлиб, интрузив ичида ва интрузивдан ташкарида кўришимиз мумкин. Дайканинг геокимёвий хучусиятларини тадқиқ қилиш кейинги ишларда ўз ечимини топади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ахунджанов А. Генетические типы дайковых образований гор Каратау и их отношение к оруденению (УзССР) /Записки Узб. отд. ВМО. Т.: Фан, 1986. Вып. 39. – С. 144-149.
2. Ахунджанов Р. Генетические типы лампрофиров /Геология и минеральные ресурсы. 2013. № 5. С. 21-25.
3. Ишбаев Х.Д., Косбергенов К.М. Малые интрузии гор Каратау (Южный Нуратау) //Актуальные проблемы геологии, геофизики, петрологии и рудообразования. Материалы научно-технической конференции, посвященной 85-летию создания Института геологии и геофизики и 110-летию со дня рождения академика Х.М.Абдуллаева. – Ташкент: Издательство ООО «Lesson Press», 2022. – Т. 1. С.97-103.
4. Косбергенов К.М. Дайка гранит-порфиров Сармичского рудного поля (Южный Нуратау) // Геология и минеральные ресурсы. - 2021. - № 1. - С. 3-6.
5. Косбергенов К.М., Ганиев С.С. Спессартиты Каратауского интрузива (Южное Нуратау) // Геология и минеральные ресурсы. - 2022. - № 2. - С. 18-23.
6. Формационный анализ гранитоидов Западного Узбекистана / Изох Э.П., Юдалевич З.А., Пономарева А.П. и др. Новосибирск: Наука, 1975. – 518с.